

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2020 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Ш.Норов	
Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши.....	79
К.Тошов	
Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт ортидаги фаолияти	84
Г.Эгамбердиева	
Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш босқичлари (XX асрнинг иккинчи ярми – XXI асрнинг биринчи чораги)	89
И.Ғуломов	
1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари айрим рақамларда	94

АДАБИЁТШУНОСЛИК

О.Туйчиева	
«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазкира сифатида	99
З.Яхшиева	
Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги.....	103
Ф.Икромхонова	
АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши	107
О.Дадажонов	
Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини	111

ТИЛШУНОСЛИК

С.Хашимова	
Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари.....	114
О.Бегимов	
Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва тасаввурларнинг мотивланиши.....	119
З.Акбарова	
Олам лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили	124
Г.Ҳакимова	
Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг семантик таҳлили ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари	129
У.Раҳмонов	
Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили.....	133
А.Уралов	
Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи	138

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Л.Аҳмедова	
Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва амалиёт	143
С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов	
Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда акцентланган дарсларининг самарадорлиги	150

ИЛМИЙ АХБОРОТ

Г.Тиллабаева	
Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала.....	155
О.Ахмаджонова	
Бессел-Клиффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг хоссалари	160
К.Ражапов, И.Хомидов	
Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб ечиш	163

УДК: 8(09)+8+8-94

АҚШ АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ АСАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

ФОРМИРОВАНИЕ ИСТОРИЧЕСКОГО ПРОИЗВЕДЕНИЯ В ЛИТЕРАТУРЕ США

FORMING OF A HISTORICAL NOVEL IN THE LITERATURE OF USA

Ф.Икромхонова

Аннотация

Мақолада АҚШ адабиётида тарихий асарлар шаклланиши омиллари, такомил ҳақида баҳс юритилади. Бунда турли олимларнинг фикр-мулоҳазаларига муносабат билдирилади. Баъзи олимларнинг фактларни бирёқлама талқин этишлари реалликка мос келмаслиги кўрсатилади. АҚШ адабиётида тарихий асарларнинг узоқ йиллар давомида шаклланиш жараёнида мемуар, хотира, эсдалик, кундалик каби оралик жанрларнинг ўрни кўрсатилиб, XIX аср бошларига келибгина том маънодаги тарихий асарлар яратила бошлангани таъкидланган.

Аннотация

В статье обсуждаются формирование и развитие исторического произведения в литературе США. Автор данной статьи выражает своё мнение на взгляд различных учёных, где показывается несоответствие реальности одностороннего анализа фактов. Выявляется роль таких жанров, как мемуары, воспоминания, дневники в формировании исторических произведений США и начало XIX века определяется как период формирования исторических произведений.

Annotation

The article deals with the issues of forming the historical novels in the USA literature. The author of the given article presents his opinion on the views of different scientists, where the irrelevance to the reality is shown by one-sided analyses of the facts. The role of such genres as memoirs, reminiscences and diaries in forming of the literature of USA is shown; while the XIX century is defined as the period of forming the historical novels.

Таянч сўз ва иборалар: тарих, адабиёт, мемуар, эсдалик, тарихий роман, тарихий образ, ижтимоий омиллар, Бенжамин Франклин, Томас Жефферсон, Вашингтон Ирвинг, Фенимор Купер.

Ключевые слова и выражения: история, литература, мемуары, воспоминания, исторический роман, исторический образ, социальные факторы, Бенджамин Франклин, Томас Джефферсон, Вашингтон Ирвинг, Фенимор Купер.

Keywords and expressions: history, literature, memoir, reminiscences, historical novel, historical image, social factors, Benjamin Franclin, Tomas Jefferson, Washington Irvin, Fenimor Kuper.

Маълумки, Европа адабиётида тарихий асарлар шаклланишини эрамиздан олдинги учинчи асрдан деб белгиланади. Ўзбек адабиётида ҳам тарихий асарлар тарихи эрадан олдинги даврга бориб тақалади. Бироқ, тадқиқот объектимизнинг бир қисмини ташкил этган АҚШ адабиётидаги тарихий асарларнинг шаклланиш омиллари, генезиси ва такомил ўзбек адабиётшунослиги билан қиёсан тадқиқ этиш мақсадида ҳали етарли ўрганилмаган.

Тарихий асарлар тадқиқига бағишланган манбаларни таҳлил этиш жараёнида “тарихий асар” тушунчасига ёндашишда жаҳон адабиётшунослигида аниқ фикр йўқлигини кузатдик. “Бу муаммо жанрнинг ўзгариб туриши билан изоҳланади. Адабиётшунослар бу тушунчага ўз қарашларидан келиб чиқиб ёндашишади ва ўзларини мутлақ ҳақ деб билишади”, деб қайд этади Т.Е.Комаровская [4, 6]. Дарҳақиқат, тарихий асар, хусусан “тарихий ҳикоя”, “тарихий қисса”, “тарихий роман” тушунчалари билан аталган асарларда маълум тарихий шахслар ҳаёти орқали аниқ тарихий

жараён, тарихий воқеа-ҳодиса баён қилинади. Шунингдек, унда конкрет тарихий шахсларнинг биографик маълумотлари, маълум жамият ҳаётидаги воқеалар кетма-кетлиги ҳам акс эттирилади. Бунда муаллиф ўз хотираси, ўзи кўрган воқеанинг содир бўлиш тартибига амал қилади. Бу эса мазкур асарларни мемуар, хотира, эсдалик, биографик ёки тарихнавислик нуқтаи назардан ҳам тадқиқ этишни талаб этади. Гарчи тарихий асарлар яратиш ана шундай мураккаб нуқтадан бошланган бўлса-да, жанрлар синтези, жанрлар эврилиши нуқтаи назаридан ҳар бири аниқ мақсад, бадий-эстетик концепцияни илгари суради. Бошқа бир тадқиқотчи эса тарихий “романда ҳодисаларнинг вақтини кўрсатиш тамойили, шунингдек, романавис томонидан асарда тарихий ҳодисаларни тасвирлаш учун ишлатилган усуллар” уни бошқа асарларда ажратиб туришини қайд этади. Ўзбек олимлари эса тарихий романлардаги воқеликка муаллифнинг бадий-эстетик баҳо беришини, воқеалардаги тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима муносабатини белгилашга уринишлари, тарихий воқеалар орқали замонавий

Ф.Икромхонова – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, педагогика фанлари номзоди.

муаммоларни ёритишга интилишлари билан тарихий асарга ёндашишдаги ўзига хосликни намоён этишади.

II. Метод ва мунозара

АҚШдаги тарихий романлар тарихи ўзбек адабиётидаги каби узоқ тарихдан бошланмайди. Тўғри, АҚШ адабиётидаги тарихий романлар манбаларидан бири маҳаллий Американинг маҳаллий аҳолиси бўлган ҳиндулар фольклори ҳисобланади. Лекин инглиз тилидаги АҚШ адабиёти инглизларнинг Америкага кўчиб келиши билан бошланган илк асарлар саналади. Америка адабиётининг биринчи китоби сифатида Жон Смитнинг “Виржиниядаги меҳмондўстликнинг ҳақиқий баёни” (1608) ҳисобланади [10, 11, 13,14,]. Унда 1606 йил охири ва 1607 йил бошида Америкага кўчиб келиб ўрнашган дастлабки инглизларнинг маҳаллий аҳоли томонидан қутиб олиниши баён қилинади. Кейинчалик Ж.Смит “Виржиниянинг умумий тарихи” (1624) номли асар ёзди. Унда ҳиндуларнинг маъши ҳаётига ва босқинчиларга қарши курашига, Америкага келиб жойлашган инглизлар билан маҳаллий аҳолининг мураккаб муносабатлари ҳақида сўз боради [13]. Бу ерда Жон Смит ўзи ва баъзи инглизларни ўлимдан қутқарган малика Покахонтас ҳақида таъсирли воқеалар баён қилади. Шу тариқа Янги Англия деб аталган мазкур мамлакатда ҳали инглиз мустамлакачилиги давридаёқ тарихий асарга, мемуар ва тарихий роман жанрларига асос солинган. 1625 йилда Уильям Стрейчнинг “Бермуддаги кема қулашининг ҳақиқий баёни” номли тарихий асари нашрдан чиқди. Асар аслида 1610 йилларда, яъни Смит асари чоп этилмасдан олдин ёзилган. Бироқ, олий табақадаги аёлга мактуб шаклидаги мазкур асар Англия мустамлакасидаги ҳақиқий вазиятни очик баён этгани учун нисбатан кечроқ нашр этилган. Мазкур асар тарихий воқеаларга асосланган бўлса-да, уларда бадий тўқима ва тарихий ҳақиқат нисбатида биринчиси анча устун эди. Бундан ташқари, тарихий асардаги образнинг тарихий воқеалар ва бадий сюжетдаги ўрни муаммосида ҳам баъзи камчиликлар мавжуд. Масалан, Покахонтас образида мифик элементлар кўп бўлиб, бу мавжуд образнинг реал тарихий шахс эканлигига шубҳа уйғотади. Тўғри, уларда маълум сюжет, аниқ композиция, образлар тизими ҳам мавжуд бўлиб, асарлар тили, мавзу ва ғоя бирлиги анчагина содда кўринишга эга [14].

Бундан ташқари, шаклланаётган АҚШ тарихий асарлари орасида диний мавзудаги асарлар ҳам талайгина бўлиб, улар воқеаларни илоҳий тақдир призмаси орқали акс эттириши билан ажралиб туради. Айниқса, пуританизм оқими сифатида шаклланган адабиёт намоёндалари орасида Сэмюэл Сьюолнинг “Кундалик” (1878-82 йилларда нашр этилган)

номли тарихий фактларга асосланган асари кенг тарқалган. Бироқ, унда диний мотивлар устун қилгани сабаб бадий-эстетик жиҳатдан мақтовга лойиқ эмас.

Умуман олганда, бу давр адабиёти вакиллари катта оммавийликка эга бўлишса-да, уларда миллий идрок, миллий қадриятларни яратиш ва адабиётнинг специфик муаммоларини яратишга ҳаракат деярли сезилмаган. Бу, аввало, “АҚШ” деган мамлакат ҳали шаклланимагани, асосий ерлар Янги Англия номи билан империяга қарашли бўлгани билан изоҳланса, иккинчидан, аксарият кишилар мутлақ эркин ва озод кишилар бўлишса-да, бадий-эстетик тафаккур, юксак маданий ҳаёт тамойилларидан анча йироқ эдилар. Тўғри, маданий ҳаёт мавжуд эди. Лекин уларда инглиз маданиятининг юксаклиги, қолган халқлар маданиятига эса иккинчи даражали деб қаралар, маънавий ҳаёт эса фақат диний асосга қурилган эди, холос. Шу каби қатор омиллар тарихий воқеликни бадий идрок этиш ва соф тарихий асар яратиш, халқнинг миллий онгини шакллантириш орқали янги жамиятнинг асосини қуришга интилиш султ кетар эди. Бу бўйича қатор олимлар турлича муносабат билдиришган. Хусусан, профессор Б.А.Гиленсон АҚШ адабиётининг шаклланишида ўнта омилларни санайди [1, 9-14]. Олим илгари сурган омиллар америка халқи шаклланишининг ижтимоий-тарихий асосларига нисбатан тўла мувофиқ келади. Саналган ва келтирилган омилларнинг ҳар бири аниқ далиллар ёрдамида исботланган. Жумладан, 1. Колонизациялаш. Биринчи келиб жойлашганлар Европадан, диний таъқибдан қочиб келганлар бўлган. Улар кўп жиҳатдан Европаникка ўхшаш тамаддунни шакллантира бошлашган. 2. Шаклланаётган жамиятнинг этник жиҳатдан ҳар хил таркибга эгалиги. Узоқ йиллар давомида Янги Англия, кейинчалик АҚШ, асосан, Европа ва Осиёдан кўчиб келган ҳамда ўзи билан турли миллий қадрият ва анъаналарни олиб, иммигрантлар ҳисобига кўпайиб борди. 3. Қуллик. АҚШ капиталга асосланган давлат сифатида ташкил этилди. Шимол томони саноатлашган, Жануб эса қишлоқ хўжалигига мослашган эди. Айнан жанубий плантацияларда пахта экилиб, уларда қора қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Шимол ва Жануб ўртасидаги зиддият кучайиб, фуқаролар урушига айланган. Шимолликлар ғалабаси билан тугаган узоқ йиллик уруш ва ундан кейин Африкадан келтирилган одамлар янги Америка жамиятига сингиб борди ва улар маданиятига секин асталик билан таъсир кўрсатди. Тўғри, бу, фақат XX аср охирига келибгина умумжамиат тан олган маданият даражасига чиққан. Бироқ, Фенимор Купер, Марк Твен каби халқчил ёзувчилар асарларида уларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Рус олимлари О.О.Несмелова, О.Б.Карасиклар АҚШ адабиётининг шаклланишида юқоридаги омилларни сал ўзгартирган ҳолда келтиришади [7,5-6]: 1. Колониянинг ташкил этилиши. 2. Этник жиҳатдан хилма-хиллик. 3. Қуллик. 4. Фронтир. 5. Регионализм. 6. Пуританизм. 7. «Америка орзуси» (American Dream). 8. Адабиётда бадийлик ва ҳужжатлилиқ синтези (non-fiction). Бу ерда олимлар тўғри санашган, фақат Америка адабиётига, хусусан тарихий романинг шаклланишида маҳаллий аҳоли – ҳиндуларнинг таъсирини келтирмайди. Иккинчи омилда Европа, Осиёдаги қатор этник қатламларни санайди, аммо ҳиндулар келтирилмайди.

Тарихнавис ёзувчилар орасида Бенжамин Франклин ҳам жой олган. Унинг “Ўсмир Ричарднинг кундаликлари” номли илк асариди тарихий воқеликнинг хронологик тартибини сақлаган ҳолда йигирма беш йил давомида халқ мақол, матал, нақллари ёрдамида даврга баҳо бериб ўтади [9]. Мазкур асар 1732 йилдан бошлаб, ҳар йили йигирма беш йил давомида нашр этилган. Демак, ёзувчи тарихий асарга фольклоризм (мақол, матал, нақл, ибора)ни киритиб, асарни ўқувчига яқинлаштирди ва тарихий асарлар поэтикасида бадий тил жозибасига эътибор қаратди. Франклиннинг “Мемуарлар”и XVIII асрдаги қатор тарихий воқеалар иштирокчиси бўлган арбобнинг шахс сифатида шаклланиши жараёнини тарихий воқелик асосида акс эттиргани билан тарихий асарлар поэтикасида юқори ўринда туради [12]. Б.Франклин ижодида Шарқ ва ислом кишиси образи америка жамиятига тараққиётни кўрсатувчи вазифасида келгани билан диққатга сазовор. Унинг ўлими олдида ёзган “Қулфурушлиқ ҳақида” номли памфлети жазоирлик Сиди Муҳаммад Иброҳим мисолида христианлик бир қулликни бошқасига алмаштиришни кўзлаб яшашини баён қилар экан, Америкадаги қулчиликнинг узоқ тарихини қайта таҳлил этади [5,431]. Европаликлар турмуш тарзи ҳиндулар назарида, айниқса, ахлоқ ва тарбия борасида “ёввойилиқ” эканлигини таъкидлайди. У жамиятнинг қуйи табақасидан чиққан киши фақат ахлоқ ва илм билангина жамиятнинг энг юқори даражасидаги ҳурматига сазовор бўлиш йўллариини ўз ҳаёти мисолида исботлади. Хотира-мемуар жанридаги асар сифатида яратилган “Мемуарлар”даги реалистик тасвир, тарихий ҳақиқатни бадий ифодалаш каби муаммолар ечими кейинчалик тарихий асарларнинг шаклланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Тарихий воқеаларнинг маърифий аҳамияти, инсониятнинг маънавий қудрати ҳаққоний тарихда эканлиги ҳақидаги тамойиллар кейинчалик Марк Твен тарихий асарларида ўз ифодасини топди. Айнан Бенжамин Франклиннинг жамиятни шакллантириш,

ижтимоий ва молиявий асосларни маънавий асосга қуриш, фуқаролар тенглиги ҳақидаги қарашлари кейинчалик Марк Твен ижодига катта таъсир кўрсатган.

АҚШ адабиётида тарихий асарлар шаклланиши узоқ давом этди. Фақат мустақиллик қўлга киритилгач, Америка халқи шаклланиши, миллий давлатчилиқ, ягона миллат шаклланиш эҳтиёжи юзага келгачгина ибратли тарихий воқеаларга, ҳодисаларга бадий-эстетик, бадий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан қарала бошланди. Натижада, инглиз мустамлакачилигига қарши кураш йилларига мурожаат қилиш, ўша даврни бадий идрок этиш, шу орқали миллий қаҳрамонлар хизматини қайта баҳолаш жараёни бошланди. Франклиннинг замондоши, АҚШ мустақиллик декларацияси муаллифи Томас Жефферсон (Thomas Jefferson, 1743-1826) Галилей билан боғлиқ тарихий воқеага асосланиб, “идрок ва эркин мушоҳадагина хато ва адашишларга қарши самарали восита”, дея таъкидлаган [2, 434]. Бу билан у тарихий воқеликни таҳлил қилиш, уни адолат юзасидан мушоҳада қилиш орқали ҳақиқатга етишиш мумкин, деган ғоясини илгари суради. АҚШда мустақилликнинг қўлга киритилиши Америка халқи дунёқараши ва маънавиятида катта ўзгаришларга олиб келди. Айниқса, XVIII аср охирида Америка адабиётида қатор жанрлар, жумладан, Хью Брекенриж, Чарльз Брокден Браун кабилар ижоди орқали секин-асталик билан роман жанри ҳам шаклланди. Лекин роман жанри такомиллашиб, тарихий, сиёсий, замонавий каби турларга ажралмаган эди.

Биз юқорида номларини келтирган қатор ёзувчиларнинг мемуар, хотира, эсдалик, кундалик тарзидаги баёнлари орқали Америка адабиётида тарихий асарлар яратилишини таҳлил этар эканмиз, уларда тарихий асарлар поэтикасига хос хроникалилиқ, асар тилидаги бадий тасвир воситаларининг қўлланиши, фольклоризмнинг киритилиши ҳамда аниқ сюжет ва композицион қурилишга эканлигини таъкидлашимиз мумкин.

Тарихий асарлар поэтикасини яратишда истеъдодли ёзувчи Вашингтон Ирвинг ўзидан олдинги ёзувчилардан кўпроқ ҳисса қўшди. Хусусан, унинг “Муҳаммаднинг тарихи” ва “Нью-Йорк тарихи” номли асарлари ажралиб туради [15]. В.Ирвинг романтизм вакили сифатида тарихий воқеликларга ёндашишда ўзининг бадий-эстетик идеалидаги воқелик билан тарихни қиёслаганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу эса инқилобдан кўтаринкилик билан чиққан янги жамият вакилларида жуда маъқул келар эди. Хуллас, тарихий асарлар поэтикасининг шаклланишида Вальтер Скотт анъаналарини Америка муҳитига мослаш билан ёзувчининг ижодий ёндашувини қоришиб кетган, деган

хулосага келиш тўғри бўлади. “Ирвингнинг “Америкаликлар” новеллалари замона руҳига тўла мос эди. Шаклланаётган миллий тафаккур ўзига Америка миллий анъаналари, тарихи, табиати ва унинг бетакрор афсоналаридан таянч излади. Ирвинг жамият кутган нарсани берди”[3, 556].

Тарихий воқеани бадиий идрок этиш, тарихий асарлар яратиш муаммоси ҳақида сўз юритилганда, инглиз адабиётшунослари, XIX асрнинг йирик тарихий романапислари Вольтер Скотт (W.Scott), Таккирай, (Thackeray), Чарльз Диккенс (Charles Dickens), Фенимор Купер (Fennimore Cooper,), Марк Твен (Mark Twain) каби ўнлаб ёзувчиларни эслашади.

Агар В.Скотт ижоди Шотландия адабиётида тарихий романларнинг шаклланиши, тарихий воқеликнинг бадиий образлар мисолида жонланишига асос бўлиб хизмат қилган бўлса, АҚШ адабиётида тарихий романлар В.Ирвинг, Ф.Купер, М.Твен, Ч.Диккенслар ижодида алоҳида йўналишларга ажралган ҳолда ривожланди. Масалан, В.Ирвинг тарихий асарлари романтизмга асосланган бўлса, Ф.Купер маҳаллий аҳоли ва европаларнинг ўзаро муносабати ҳақидаги жиддий тарихий асарлари билан “АҚШ адабиёти Скотти” деган номни олди.

Ч.Диккенснинг романларида танқидий реализм методи ёрдамида жамиятнинг маънавий қашшоқлашиши, турли ижтимоий иллатлар, болалар ва аёллар образининг маънавий олами ижобий ва салбий бўёқларда жонли тасвирланган бўлса [6], Ф.Купер маҳаллий аҳоли ва улар билан боғлиқ саргузаштларни ёритган. Марк Твен эса Европа тарихини халқона усулда баён қилиб берган. Айниқса, Марк Твеннинг тарихий романлари тарихий-мистик (Жанна д’Арк) йўналишда устунлик қилади.

III. Хулоса

1. АҚШ адабиётида тарихий асарларнинг шаклланиши нисбатан кечроқ бошланди ва деярли уч юз йил давом этди. Бунда Гиленсон илгари сурган 10 та омил асосий ўринга эга. Бироқ, ижодкорларнинг шахсий изланишларини ҳам ёдда тутиш тавсия этилади. Чунки текширилган манбалар бу ҳақда сўз юритилмайди.

2. АҚШ адабиётида ҳам тарихий асарлар дастлаб муаллифнинг хотиралари, кундаликлари, эсдаликлари ва мемуарлар шаклида юзага келди. Кейинчалик Ф.Купер ижодида тарихий роман сифатида тўла шаклланди.

Адабиётлар:

1. Гиленсон, Б. А. История литературы США. В 2 ч. Часть 1 : учебник – М. : Издательство Юрайт, 2018.
2. История всемирной литературы. В девяти томах. Том 4,5,6. Ю.Б.Виппер (ответ. ред). – М.: Наука, 1987.
3. Ковалев Ю. В. Ирвинг // История всемирной литературы. – В девяти томах. Том 6. – М.: Наука, 1988.
4. Комаровская Т.Е. Проблемы поэтики исторического романа США XX века. Автореф. дисст. ... док.фил.наук. – М.: МПУ. 1994.
5. Коренева М.М. Литературы американского континента / История всемирной литературы. – В девяти томах. Том 5 – М.: Наука, 1988.
6. Мухаммедова Х.Э. Чарльз Диккенс асарларида аёл характери типологияси. Фил.фан. б. фалсафа доктори (PhD)... дисс.автореф, 2019.
7. Несмелова О.О., Карасик О.Б. История американской литературы. . – Казань: Казан. ун-т, 2017.
8. Словарь иностранных слов. – М.: Русский язык, 1981.
9. Староверова Е.В. Американская литература. – Саратов. 2017. www.sgu.ru.
10. Blanck J. Bibliography of American literature. – New York, 1955;
11. Brigham C.S. History and bibliography of American newspapers, 1690-1820. Rev.ed. 1961. – Vol. 1, 2.; 6) Herzberg M.J. the reader’s encyclopedia of American literature. – New York, 1962;
12. Benjamin Franklin. Autobiography of Benjamin Franklin. 1781. Reprinted 2005. - p 230. www.livelib.ru.
13. Leary L. American literature: A study and research guide. – New York, 1976.
14. The capture and release of Captain John Smith, including his rescue from death by Pocahontas, in his own words from The general historie of Virginia as published at London 1624. [Ann Arbor]: Reprinted for the Clements Library Associates [by University of Michigan Print. ogg], 1960. www.books.library.org;
15. Washington Irving. History of Muhamet and His Successors. -1849. [http:// librebook.org](http://librebook.org) ; 2) Washington Irving.
16. Washington Irving. A History of New York/ [http:// pda.litres.ru](http://pda.litres.ru).

(Тақризчи: А.Касимов – филология фанлари доктори)